



МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ – ЁШЛАР НИГОҲИДА

**“2017 йил – Халқ билан мулоқот ва
инсон манфаатлари йили”га
бағишланган иқтидорли талаба-
ёшларнинг
I илмий-амалий конференцияси
материаллари
ТЎПЛАМИ**

2017 йил 20 май

Тошкент

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
МАЪНАВИЯТ-МАЪРИФАТ ВА ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР
БИЛАН ИШЛАШ БЎЛИМИ
“КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ
ИННОВАЦИЯ ВА ИНТЕГРАЦИЯ МАРКАЗИ
ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ЖАМИЯТИ
ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ

“МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ – ЁШЛАР НИГОҲИДА”

мавзусида *“2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”га* бағишланган иқтидорли талаба-ёшларнинг *I* илмий-амалий конференцияси материаллари
ТЎПЛАМИ

2017 йил 20 май

Тошкент – 2017 йил

КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИНИНГ АҲАМИЯТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЪЛУМОТ МАНБАЛАРИ <i>А.Турсунов, И.Давлетов</i>	79
ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ДЕҲҚОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ <i>Ф.А.Қурбонов, Х.Ҳ.Назаров</i>	81
YUKSAK MA'NAVİYATLI YOSHLAR KELAJAGIMIZ ROYDEVORI <i>М.М.Амирова, У.К.Еминова</i>	82
KELAJAGIMIZ ROYDEVORI YUKSAK MA'NAVİYATLI YOSHLAR QO'LIDA <i>С.В.Салимова, Н.М.Умурзакова</i>	83
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МАҲСУЛОТЛАР ИНТЕРНЕТ ДУКОНИНИ ЯРАТИШНИНГ ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРИ <i>М.М.Минаваров, С.Ш.Расулов</i>	84
ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИНИДА ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ <i>М.М.Минаваров, С.Ш.Расулов</i>	86
ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ДЕҲҚОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ <i>Ф.А.Қурбонов, Х.Ҳ.Назаров</i>	87
СУВНИНГ ТОЗАЛИГИ ВА ТАҚЧИЛЛИГИ ДОЛЗАРЪ МУАММО СИФАТИДА <i>М.Ҳ.Расулов, Т.Н.Халмуродов</i>	89

2- ШҮЪБА

ЕРЛАРДАН ОКИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ, МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА БОГДОРЧИЛИК, ЎСИМЛИКШУНОСЛИК, ЎРМОНЧИЛИК ВА ЭКОЛОГИЯ, ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР, СЕЛЕКЦИЯ ВА УРУҒЧИЛИК, ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

URUG'DORILAGICH FUNGISIDLARNING FUSARIUM ZAMBURUG'I O'SISH VA RIVOJLANISHIGA TA'SIRINI O'RGANISH <i>М.Сатторова, Н.С.Хайитбойева</i>	91
ҚАЙИН ШАРБАТИ-ОРГАНИЗМ ҚУВВАТИ <i>М.М.Иномова, Я.Х.Юлдашов</i>	92
ЭРТАГИ КАРАМДАН ЭНГ ЭРТА ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ СИРЛАРИ <i>С.Дўсанов, О.Қодирхўжаев</i>	93
ЭРТАГИ КАРТОШКАДАН ЭНГ ЭРТА ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ СИРИ НИМАДА? <i>Э.Мамарахимов, Х.Ч.Бўриев</i>	94
ОҚ ҚАЙИН-НОЁБ ЎСИМЛИК <i>М.М.Иномова, Я.Х.Юлдашов</i>	96
ОЛМАНИ ПАРША КАСАЛЛИГИНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШИ <i>О.С.Хужақулова, Ш.Д.Гулмуродова</i>	97
ТУПРОҚДАГИ АЙРИМ ЗАМБУРУҒЛАРНИНГ КАСАЛЛИК КЎЗГАТУВЧИ МИКРООРГАНИЗМЛАРГА НИСБАТАН АНТАГОНИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ <i>Д.Ж.Йўлдошева, М.С.Мамиев</i>	99
КАРТОШКА МИКРОТУГАНАКЛАРИНИ ЎСТИРИШДА ТУЗЛАРНИНГ ТАЪСИРИ <i>Д.М.Азимова, М.С.Мамиев</i>	99
АЗОТЛИ ЎГИТ МЕЪЁРЛАРИНИ ХИТОЙ БАРГЛИ КАРАМИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ <i>Н.А.Рустамова, С.С. Асатова</i>	100
КУЗГИ БУГДОЙДАН БУШАГАН МАЙДОНЛАРДА ҒУЗДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ОМИЛЛАРИ <i>Д.Жанибеков, Ф.Хасанова, Д.Мавлянов</i>	102
КАБЗИЯТ МУАММОСИДА САНО (СЕННА)НИНГ ЎРНИ, ТАБОБАТДА УНИНГ КЎЛЛАНИЛИШИ <i>М.Д.Дўстиёров</i>	104
ТҮРТ ДОГЛИ ДОНХҲҮР ДУККАКЛИ - ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ ЗАХИРА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЗАРАКУНАНДАСИ <i>Назаров.Ш.Р., Эсонбоев.Ш.</i>	106
ВЕГЕТАТИВ КЎПАЙТИРИШНИНГ ЎСИМЛИКЛАР ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ <i>А.Исламов, Ф. Мардонов</i>	108
ЖАВДАР ЎСИМЛИГИНИНГ ТАРҚАЛИШИ НАВЛАРИ ВА УНГА ТУШАДИГАН ШОХКУЯ	110

Fuzarioz kasalligini qo'zg'atuvchi Fusarium turkumiga mansub zamburug'larga zamonaviy fungisidlaridan foydalanish horqaliqitiosidiyviabologiksamarali qarshikurash choralarini qo'llash oldimizdaturgandolzarb vazifalardan biridir hisoblanadi. Tadqiqotlarimiz davomida 4 ta turga mansub Fusarium turkumiga mansub zamburug'larga jami 6 ta fungisidlarining ta'siri o'rganildi. Bunda fuzarioz kasalligini qo'zg'atuvchilariga qarshi Vial, Gerkules, Raksil fungisidlari yaxshi samara berishi aniqlandi. Bu fungisidlar zamburug' mitseliysining shaklini o'zgartirib, o'sishini to'sib qo'yishi bilan xarakterlanadi. Dalvaks fungisidi ham zamburug' mitseliysining o'sishiga, boshqa fungisidlarga nisbatan kamroq ta'sir ko'rsatadi. Himoya va Paxta fungisidi Fusarium turkumiga mansub zamburug'larga qarshi umuman ta'sir qilmasligi bilan xarakterlanadi. Fuzarioz kasalligiga qarshi kurashda Vial, Gerkules, Raksil va Dalvaks preparatlari bilan urug'larga ishlov berish maqsadga muvofiq.

Foydalanilgan adabiyotlar :

1. Buriev X. Ch., Omonov A., G'afurova L. A., Mustaqillik yillarida O'zbekistonda bug'doy ishlab chiqarishda erishilgan yutuqlar. Bug'doy seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish texnologiyasi g'abag'uishlangan birinchi milliy konferensiya. Toshkent, 2004., 11b.
2. Гоголя И. Ф. Болезни семян и всходов шелковицы и меры борьбы с ними. Автореф. дисс. ... канд. биолог. наук. Тбилиси. 1974. 25с.
3. Гончаренко Л. К. Заболевание корневой шейки шелковицы и меры борьбы с ней // Мат научного совещания по тутоводству и защите шелковицы от болезней и вредителей Тбилиси 1968. С. 36 - 38.
4. Шералиев ва бошқалар История изучения болезни фузариозов сельскохозяйственных культур в Узбекистане и важные пути его решения Вестник Каракалпакского отделения Академия наук Республики Узбекистан: Нукус 2015 С 51 - 53.
5. O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligida ishlatish uchun ruxsat etilgan pestisidlar va agriximikatlarning ro'yxati 2013 - yil 177 - 190 bet

ҚАЙИН ШАРБАТИ-ОРГАНИЗМ ҚУВВАТИ

*Талаба: М.М.Иномова (ТДАУ)
Илмий раҳбар: Я.Х.Юлдашев (ТДАУ)*

Оқ қайин- табиат томонидан инъом этилган оқ танали ягона дарахт туридир. Бошқа ҳеч бир дарахтда таққослашлар, тавсифлар ва тушунчалар шунчалик кўп эмас. Оқ қайин ўрмон қироли, табиатнинг гўзал рамзи бўлиб, у ҳақида жуда кўплаб халқ қўшиқлари айтилган. У учун қанчадан-қанча рассомлар ўз асарларини бағишлаган. Оқ қайин ўсимлиги халқ ҳўжалигидаги ва дориворлик хусусиятлари учун қимматли аҳамиятга эга. Унинг шарбати кўпгина касалликларни даволаш ва олдини олиш учун медицинада кўп фойдаланилади.

Қайин шарбати-босим таъсири остида қайин дарахтининг илдизларидан тепага кўтарилаётган суюқликни дарахт танасини пўстлоқ қисмини кесиб, суюқликни ташқарига чиқариб олиш йўли орқали олинadиган ичимлик ҳисобланади. Ушбу ичимлик ХХ асрнинг ўрталаридан бошлаб, Россия, Белоруссия, Қрим-Кавказ мамлакатларида ҳозирги кунга қадар истеъмол қилиниб келинмоқда. Суюқлик асосан баҳор мавсуми бошланиши билан яъни дарахт танасида шира ҳаракати кузатилганда олинishi мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қайин шарбатини одатда кунига 2-3 литргача олиш мумкин. Бу дарахтнинг ёшига боғлиқ, агар дарахт катта ёшда бўлса кўп миқдорда 7 литргача олиш мумкин. Ёш дарахтларнинг нобуд бўлишини олдини олиш учун улардан олиш тавсия этилмайди. Шарбат дарахт танасини кесиб олинса, ёш шохларини кесиб ҳам олиш мумкин. Махсус бурғу билан 2-5 см чуқур тешик яъни учи тор тўйиқ қилиб бургуланади ва пластик томизгич ёрдамида суюқлик пастга йўналтирилиб, шиша идишга йиғиб олинади. Қайин шарбатини олиш даврида дарахтга инфекция тушиши ва дарахтни қуришига олиб келувчи ҳолатларни олдини олиш керак. Қайин шарбати ҳозирги кунда озик-овқат саноатида юқори ўрин тутди.

Оқ қайин шарбатининг лаборатория таҳлили:

Шарбатнинг зичлиги-1,0007-1,0046 г / мл.

Қаттиқ моддалар-0,7-4,6 г / л.

pH контент - 0.3-0.7 мг / л.

Умумий шакар концентрати-0,5-2,3% (0,43-1,13%)

Органик моддалар орасида 10 дан ортиқ органик кислоталар, бетулол эфир мойлари, витаминлар, сапонинлар ва В₁₂, В₆ витаминларини ўз ичига олади.

Қайин шарбатидан коллекция йиғиш ишлари апрел ойида бошланиб, об-ҳаво шароитига қараб, май ойигача давом этади. Қайин шарбатининг 0,5 литр ҳажмдаги ичимлигида шакар 2% ни ташкил этади ва турли ичимликлар тайёрлаш учун мустақил тайёрланади.

Халқ табobatiда қайин шарбатини диуретик сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Бундан ташқари дермотологик касалликларда, қора доғли касалликда, экзема ва терининг герпес касалликларида локал равишда ишлатилади. Косметологлар хатто касаллик бўлмаса ҳам, тери ҳолатини умумий яхшилаш мақсадида қайин шарбати ва дастасида ювиш учун тавсия этилади. Бунинг учун қайин шарбати махсус қутилларда музлатиб, муз ҳолида ишлатилади. Қайин шарбати сочни мустаҳкамлашда соч ювиш учун ҳам тавсия этилади. Шу жумладан, қайин шарбати нафас йўллари касалликларида, буйрак тош ва ўт пуфаги, подагра, ревматизм танадаги шишлар, ошқозоннинг баъзи касалликлари ва ошқозон ярасида ичиш тавсия этилади. Қайин шарбати таркибида шакар

микдори кўплиги ва танин моддаси, витаминлар, минерал моддалар мавжудлиги сабабли ошқозон фаолияти учун жуда ҳам фойдали.

Одатда қайин шарбати 3 литрлик шиша идишларда консерва шаклида саноат миқёсида ишлаб чиқарилган. Лекин бугунги кунга келиб қайин шарбатини хар хил хажмдаги консерва идишларда ишлаб чиқариш урф бўлмоқда.

Қайин ўсимлигидан нафақат шарбат олиш мумкин балки қайин квасини, қайин сиропи, қайин дастаси каби маҳсулотларни ҳам олиш мумкин. Ушбу маҳсулотлар МДХ мамлакатларида кўп миқдорда тайёрланади ва ишлаб чиқарилади. Масалан, 1946-йилда Россия тиббиёт фанлари академияси Нутритион институти олимлари томонидан қайин суяқлигини пишириш усули билан қайин квасини олиш мумкинлигини аниқлашган. 1968 йилда ВНИИПБП (пиво ва алкогосиз ичимликлар саноати институти) қайин дастасидан квас ишлаб чиқарадиган технология ишлаб чиқди. Қайин ўсимлиги нафақат экологияга фойдали балки унинг шифобахш хусусиятлари ҳам юқори. Қайин шарбатини нафақат даво учун балки профилактика мақсадида ҳам ичиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Р. М. Мурзова, А. А. Абдурахманов, Г. В. Максимова «Дендрология Узбекистана», т. VIII. Родовые комплексы берёза, ясень, рябина. Ташкент, 1977 г. С.3-10

2. Орлов И. И. Берёзовый сок / И. И. Орлов, В. П. Рябчук. — М.: Лес.пром-сть, 1982. — 56 с.

3. www.google.com

ЭРТАГИ КАРАМДАН ЭНГ ЭРТА ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ СИРЛАРИ

Магистр: С.Дўсанов (ТДАУ)

Илмий раҳбар: О.Қодирхўжаев (ТДАУ)

Сабзавотлар инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга, чунки улар таркибида бизлар учун зарур бўладиган турли хилдаги витаминлар, минерал тузлар бирикмаси, антиоксидантлар ҳамда биологик фаол моддалар жуда кўп. Булардан ташқари сабзавотларни озик-овқат манбаси ҳисобланади.

Сабзавотларни қувват бериш даражаси у даражада юқори (385...837 кДЖ) эмас, ammo улар кўп истеъмол қилинади, шу сабабли, нафақат бизни республикамизда, балки бутун жаҳонда озик-овқат муаммоси глобал масалаларидан энг асосийси ҳисобланмоқда. Шундай экан кишлоқ хўжалиги мутасаддиларининг зиммасига катта вазифа юклатилади, сабаби озик-овқат маҳсулотларининг (гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавот ва бошқа.) барчаси кишлоқ хўжалиги маҳсулотларидир. Ер юзид аҳоли сонини йилдан-йилга ортиб бормоқда демак озик-овқатга талаб ортиб бораверади.

2016 йилда сабзавотлардан 11.273 минг/т ялли маҳсулот етиштирилди, шундан 550 минг/тоннасини қарам ҳосили ташкил этади.

Сабзавотлардан олинadиган ялли маҳсулотни янада кўпайтириш заҳираларидан бири, бир ердан мавсум мобайнида 2-3 марта ҳосил олишдир.

Биз ушбу масалани ўрганиш мақсадида 2016 йил ноябр-2017 йил апрел ойларида Сурхондарё вилояти Қумқурғон тумани Сурхон жамоа хўжалиги шароитида эртапишар қарам навларидан Грибовский 147, Наврўз, Фарао F₁ ҳамда Сир F₁, дурагайлари 40 кунлик кўчатларини 15 ноябрда 70x30 см схемада эгат устига нур ўтказадиган плёнка тоннель кўринишида ёпилди.

Тажриба узунлиги 10 м бўлган эгатга 4 қайтарикда экилди. Ҳар бир қайтарикнинг юзаси 28 м² бўлиб, ҳисобга олинadиган ўсимликлар жойлаштирилган майдонча юзаси 112 м² ни ташкил этди.

Тажриба майдончасида ўтказилган фенологик, биометрик ва бошқа кузатувлар куйидаги натижаларни берди-жадвал 1.

Синалган қарам навлари кўчат сифати ва хато миқдори

Навлар	Кўчат сифати			Хато миқдори, %	
	1 тупдаги барглр сони, дона	баргининг узунлиги Х эни, см	поясининг диаметри, мм	кўчат экилгандан 10 кундан сўнг	ҳосил йнғиш олдидан
Грибовский 147	4,0	10,1x7,2	3,0	1,2	2,2
Наврўз	4,2	10,4x7,8	3,0	1,2	2,8
Фарао F ₁	4,9	11,9x7,8	4,1	0,5	2,8
Сир F ₁	4,7	11,8x6,9	4,2	0,5	3,1

1-жадвалда келтирилган рақамлардан маълум бўлишича синалган қарам навлари кўчатлари очик майдонга экиш олдидан турли сифат кўрсаткичларига эга бўлди. Яъни, қарамнинг стандарт нави ниҳолларида

Бугунги кунга келиб мамлакатимиз миқёсида шаҳар ва қишлоқ қўчаларини ободонлаштириш, аҳоли яшаш масканларини кўкаламзорлаштиришга ва боғу-бўстонлар яратишга катта эътибор берилмоқда. Аҳоли яшайдиган ҳудудларни кўкаламзорлаштириш жойини микроклиминини яхшилаш билан бирга аҳолининг маданий савиясини ҳам юксалтиради. Дарахт ва бута турларини экиб ўстириш, манзарали кўринишга эга кўчатларни кўпайтиришни ўрганиш долзарб масаладир.

Аҳоли яшайдиган ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли дизайн яратишда хушманзарали, чиройли кўринишга эга бўлган ва эстетик завқ бағишловчи дарахт, бута турларини танлаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур дарахт турларидан бири бу- *оқ қайин (Betula pendula)* ўсимлигидир.

Оқ қайин-табиат томонидан инъом этилган оқ танали ягона дарахт туридир. Бошқа ҳеч бир дарахтда такқослашлар, тавсифлар ва тушунчалар шунчалик кўп эмас. Оқ қайин ўрмон кироли, табиатнинг рамзи бўлиб, у ҳақида жуда кўп халқ қўшиқлари айтилган. У учун қанчадан-қанча рассомлар ўз асарларини бағишлаган.

Оқ қайин ўсимлиги Марказий Осиёга XIX аср охири XX аср бошларида хаваскор боғбонлар томонидан интродукция қилиш бошланган бўлиб, оқ қайин манзарали кўринишга эга эканлиги туфайли бугунги кунда аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилмоқда. Оқ қайин қайиндошлар оиласига мансуб бўлиб, асосан дарахт ва бута турларини ўз ичига олган 150 турдан иборат.

ЎЗР ФА Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институтига ушбу ўсимликни 1948 йилдан бошлаб интродукция қилина бошланган. Жуда қисқа вақт ичида ботаника боғига 26 турни интродукция қилишган. Оқ қайин ўсимлигини ўстириш, кўчатларини етиштириш бўйича кўпгина олимлар: Ф.Н.Русанов, Р.М.Мурзова, В.П.Дробов, Л.В.Ясқина, А.С.Аблаев, В.Н. Сукачевлар Ўзбекистон шароитида оқ қайинни ўрганишган. Лекин бугунги кунга қадар Тошкент шароитида оқ қайин ўсимлигини ўстириш ҳақида етарлича маълумотлар мавжуд эмас (Р. М. Мурзова, А. А. Абдурахманов, Г. В. Максимова «Дендрология Ўзбекистана», т. VIII. 1977 г. 3-10 с.).

Оқ қайиннинг ватани Россия, Белоруссия ва Украина мамлакатлари бўлиб, бизнинг мамлакатимизга XIX аср охирида интродукция қилинган. Марказий Осиё мамлакатларининг тоғли ҳудудларида *Betula pumila*, *Betula tianshanica* турлари табиий ҳолда учрайди. Оқ қайин биологик кўрсаткичи бўйича ўрта типдаги дарахт хисобланиб, 24-30 метрга етadиган 130 йилгача яшайдиган ўсимлик. Кўпчилик қайин турларини ташқи шаклига қараб беҳато аниқлаш мумкин. Қайин турлари баландлигига ва дарахт ёки бута шаклига қараб фаркланади. Улардан бири баландлиги 25-30 м, бошқалари 15-20 м, дарахтсимон қайинлар 3-5 м, карликсимонлари 0,3-1 м ва ердан бош қўтарган баландликдаги бута кўринишдаги шакллари табиатда учрайди. Ўзбекистон шароитида оқ қайиннинг ёши 30 ёшдан ошгани йўқ, сабаби оқ қайиннинг зараркунандаси шаҳар мўйловдори дарахт танасининг ички ўзаклик қисмига зарар етказиши натижасида қаттиқ шамолга бардош бера олмайди. Оқ қайин юқори манзарали ўсимлик бўлиб, хавонинг жуда иссиқ бўлишидан зарарланади. Оқ қайин ўсимлиги кўкаламзорлаштириш учун муҳим хисобланади. Асосан оқ қайин фавворалар олд қисмига махсус ариқлар, сув иншоотларининг олд қисмига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Оқ қайин дарахти экологик нуқтаи назардан намликни севувчи ўсимликдир. Хаво ҳарорати паст бўлган ҳудудларда ўзини жуда яхши хис қилади, яхши ўсиб ривожланади. Оқ қайин дарахт ватанида танасининг ранги 10 ёшдан бошлаб оқариши манбаларда келтирилган. Ўзбекистон шароитида оқ қайиннинг танаси 3 ёшдан бошлаб оқаради. Оқ қайин ўрмонзорлари бошқа ўрмонзорларга нисбатан кислородга бойлиги билан ажралиб туради. Оқ қайиннинг мажнунтолга ўхшаб осилиб турувчи шох-шаббаси кишига олам-олам завқ бағишлайди. Ушбу кўринишдаги шакллари кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади ва муҳим ландшафтли кўринишга эга. Оқ қайин ўсимлиги унумдор тупроқларни хуш кўради ва мезофит ўсимлик хисобланади (Қайимов А.А., Бердиев Э.Т. Дендрология 2012 й 179 б.).

Оқ қайин МДХ ўрмонларидаги энг тез ўсувчи дарахт турларидан бири хисобланади. Унинг якка ҳолда ўсган дарахтлари 10-15 ёшдан бошлаб, ўрмонзорларда эса 20-30 ёшдан мева бера бошлайди. Оқ қайин тўнқасидан берадиган новдаларидан яхши кўпаяди, у бу қобилиятини 60 ёшга қадар сақлайди. Тўнқасидан уйқудаги куртақларидан яхши кўпаяди.

Дарахтлар орасида қайин киш уйқусидан биринчи уйғонадиган турларидан бири хисобланади. Ўрмонда ҳали киш кетиб улгурмаган бўлсада, қайинчалар таналари агрофида, қор эриши кўзга ташланади. Вегетация деярли ўртacha суткалик ҳарорат паст, 1-8° (ўртacha қиймат 5° С) шароитида ҳам бошланиши кузатилади. Вегетация даври олди 10-30 кунга чўзилади (ўртacha 16 кун), бу ҳолда самарали ҳарорат катта чегараларда ўзгаради (35-120° С), ўртacha қиймати 65° С ни ташкил қилади. Ушбу ҳолат тез-тез бўлиб турадиган совуқ ва салқин хаво билан изоҳланади.

Куртақлари ёзилиши ва барглари буралиб очилиши 7-20 кунгача, ўртacha 22 кун, бу ҳам об-хаво шароитига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Куртақлар ёзилиши ўртacha суткалик ҳарорат (8-12°С) бўлганда амалга ошади. Шу билан бир қаторда самарали ҳарорат йиғиндиси 140-200° С (ўртacha 180° С) га етади. Қайин гуллаш даврини майда елимли смородинасимон куртақлари кўринганда бошлайди.

Эркак гуллари пайдо бўлади ва тўкилиб кетади, аммо урғочи гуллари ўсиб, майда цилиндр шаклига эга

бўлади, ўз навбатига бу жойида қайин мевали тугади. Ўрмончилик адабиётларида қайин меваси –уруғ деб аталади. Гуллаш давомийлиги кичка муддатли ва 5-10 кун давом этади (ўртача 8 кунга яқин).

Кузда мавсумда қайин меваси дарахтидан тўкилишга улгурмайди, улардан кўпчилиги кейинги баҳорда, айримлари июн ва ундан кеч муддатда сакланиб туради. Янги терилган уруғлари унувчанлик даражаси юкори; курук хоналарда бир йилдан узок муддатда уруғлар унувчанлигини йўқотади.

Қайин дарахти кишиги уйкуга, барглари сарғайиб бошлагандан токи барглари тўлик тўкилгач кетади. Куз фаслининг келишига боғлиқ холда бу жараён 50-70 кун (ўртача 60 кун) давом этади.

Оқ қайин шох-шаббаси яхши кўринишга эга, ёғочи хўжалик учун жуда хам қимматли бўлиши сабабли манзарали боғдорчиликда кўплаб экилади. Боғ-паркларда экиладиган оқ қайин турларининг ажойиб кўринишдаги шох-шаббаси хар томонга тарвақайлаб ўсади, узун кўринишдаги новдалари пастга осилиб туради. Танасининг пўстлоғи оқиш рангда бўлиб, тўк малла, сарғиш, тўк бинафша, хатто қорамтир тусларда хам говланади. Ушбу дарахтни боғ-паркларда гурух-гурух шаклда экилганда жуда хам чиройли кўриниш беради. Айниқса оқ пўстлоқли оқ қайин қарагай, қора қарагай, пирамидал туя , биота ва арча каби нина баргли дарахтлар билан аралаш экиш жуда яхши хушанзара касб этади. Бу дарахтнинг ёғочи мебелчилик саноатида кўп ишлатиладиган фанер ясалиши жихатидан жуда хам қимматбахо хисобланади.

Маълумотларга қараганда, Оқ қайин барглари 1949кг карбонат ангидрид газини (CO₂) ўзига олиб, 1535кг кислород (O₂) ажратилади. Ўсимликлар экилган майдонлар очик майдонлар нисбатан харорат ёз ойлари 10°-12° С.га фарқланади. Оқ қайин дарахтининг елими жуда қимматли хисобланади-танасида ўта бакувват холда бўлиб, (оғирлиги 50 кг га этади) ўсимтасимон куртаклардан пайдо бўлади. Оқ қайин дарахтидан эрта баҳорда қайин шарбатини олиш мумкин. Шарбат дарахт танасини тилиб кесиш оркали олинади. Бир кунда битта оқ қайин дарахтидан 7 литргача қайин шарбатини олиш мумкин. Ушбу шарбат XX асрга келиб МДХ мамлакатларида ичимлик сифатида ишлатила бошланган. Оқ қайин шарбати В₁₂, В₆ витаминларига бой хисобланади.

Оқ қайинзорлар ўзининг кенг тарқалиш ареалида иқлим шароитининг кескин ўзгаришларига дуч келади, ўта сокукка чидамли, шу боисдан кеч кузги ва эрта баҳорги совуқларни осонгина қабул қила олади. Оқ қайин мезофит ўсимлик бўлиб, курғоқчиликга бардошли, бу пайтда у баргларини бир қисмини тўкиб юборади ва ноқулай об-хаво шароитини осон ўтказиб юборади. Оқ қайин жуда ёруғсевар ўсимлик, дарахти осон кесилади, унинг остки қисмида ўсувчи бошқа турдаги дарахтлар ниҳоллари ва ўрмон ости ўсимликлари учун қулай шароит яратилади. Осилиб ўсувчи оқ қайин тупроқ унумдорлигига ўртача талабчан ёруғсевар ўсимлик хисобланади. Оқ қайиннинг ёғочи фанер, мебель, ғилдираклар ясашда кенг фойдаланилади. Унинг ёғочини курук хайдаш йўли билан уксус, дарахт спирти ва кўмир олинади. Ёғочи ўта иссиқлик ажратиб чиқиши билан характерланади. Куртаклари ва майда барглари тиббиётда хаммом супургиси сифатида фойдаланилади. Оқ қайинда шира харакати яхши амалга ошади, унинг таркибида 2 % гача шакар мавжуд бўлиб, ширин таъмли, чанкокни бостирувчи доривор ичимлик ажратиб беради.

Халқ хўжалигида оқ қайин мухим рўл ўйнайди. Озиқ-овқат ва медицина саноатида қайин шарбати, шунингдек ёғочсозликда эса фанер, мебел, хар хил ғилдираклар ишлаб чиқаришда асосий хом-ашё хисобланади.

Мамлакатимизда химоя ўрмонзорлари ва тоғ ўрмон мелиорация ишларида, айниқса шаҳарларни кўкаламзорлаштишда унинг осилиб ўсувчи шакли кенг кўламда кўлланилади. Оқ қайин турларини систематик, биологик ва экологик томондан ўстириш хамда ўрганиш оркали келажақда халқ хўжалигида ишлатилиши учун янада яхшироқ турларини ва кўринишларини тавсия қилиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Р. М. Мурзова, А. А. Абдурахманов, Г. В. Максимова «Дендрология Узбекистана», т. VIII. Родовые комплексы берёза, ясень, рябина. Ташкент, 1977. С.3-10
 2. Қайимов А.А., Бердиев Э.Т Дендрология Тошкент, 2012. 179б.
 3. А. С. Аблаев Размножение берёзы зелеными черенками. Научн. тр. ТашСХИ вып 99. Защитное лесоразведение и вопросы улучшения лесов Узбекистана. Ташкент, 1982.
4. www.google.com

ОЛМАНИ ПАРША КАСАЛЛИГИНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Талаба: *О.С.Хужақулова (Т ДАУ)*

Илмий раҳбар: *Ш.Д.Гулмуродова (Т ДАУ)*

Олманинг парша касаллиги республикамизнинг барча вилоятларида кенг тарқалган касалликлардан бири хисобланади. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги уруғ мевали боғларда ўтказилган тадқиқотларда парша касаллиги билан зарарланиши мева навларининг турларига боғлиқ эканлиги аниқланган. Олманинг